




МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№37 (67) 12.09.2019 йил

» Халқаро фестиваль



Хунармандлар шаҳрига хуш келибсиз!

Бугун Фаргона водийисида-
ги кўхна Кўкон шаҳри дунёнинг
бир неча ўйлаб мамлакатларидан
келган хунармандларга мезон-
лик қилмоқда. Бу ерда давлатимиз
раҳбарининг 2018 йил 1 ноябрда-
ги "Халқаро хунармандчилик фес-
тивалини ўтказиш түғрисида" ги

қарори асосида илк бора Халқаро
хунармандчилик фестивали бош-
ланди. Бундай нуфузли анжуман-
ни ўтказиш учун айнан Кўкон
шаҳри тантанганни бежиз эмас! Чун-
ки ушбу шаҳар қадим-қадимдан
хунармандчилик ривожланган ма-
даний марказлардан бири бўлиб

келиган. Бу ерда хунармандчилик
ва халқ амалий санъатининг тур-
ли ўйналишлари юксак даражада
тарақкий этган. Устоз-шогирд анъа-
налари, хунармандларнинг оиласий
сулолалари унинг сир-асрорларини
ажододлардан авлодларга етказиб
келимоқда.

**Хозирги кунда ҳам Кўкон шаҳрида хунармандчилик анъаналари изчил ривожланмоқда. Эътиборли жиҳати,
Жаҳон хунармандчилик кенгашининг 2019 йил 23 шоладаги қарорига кўра, Кўкон шаҳрига ёғоч ўймакорлиги бўйича
"Хунармандчилик шаҳри" мақоми берилди. Шу кунгача жаҳоннинг турли мамлакатларидағи 35 та шаҳар маз-
кур мақомга сазовор бўлган. Кўкон шаҳри МДҲ давлатлари ичida биринчи бўлиб ушбу рўйхатга киришилди.**

Давоми 3-саҳифада

Ушбу сонда

Меннонитлар авлодлари Хивада

XIX аср охири XX аср
ўрталаригача Хоразм,
аниқроғи, Хивадан унча узоқ
бўлмаган Оқмачит қишлоғига
тақдир тақозоси билан не-
мис миллатига мансуб оиласалар
истиқомат қилишгани ҳақида
аввал ҳам маълумот берган
эдик. Хива хонлиги даврида бу
ерда кўним топған немис мен-
нонитлари 1937 йилларгача
қишлоқда колиб, кейинчалик
мажбуран бошқа ҳудудларга
кўчириб юборилган.

8-саҳифада

Сулоланинг еттинчи вакили



4-саҳифада

"Хунарманд" уюшмаси аъзолари қандай имтиёзларга эга?

3-саҳифада



Илк меҳмонлар тантанали кутиб олинди

Айни кунларда Кўкон шаҳри бутун
дунёга ўз кўрку тароватини кўз-кўз
етиб, кундан кунга муҳташам, озода
ва орасла киёфада намоён бўлмоқда.

Катта тайёргарлик кўрилган Халқаро
хунармандчилик фестивалига юрти-
мизининг барча ҳудудлари ва хориж-
дан меҳмонлар ташриф буюриди.
Куни кеча халқаро анжуманинг ilk
меҳмонлари – Сурхондарё вилояти де-
легацияси аъзолари Кўкон темир йўл
вокзалидаги тантанали кутиб олинди.

Вилоят делегацияси таркибида 60
нафар моҳир хунарманд, баҳшилар,
маданий ва санъат соҳаси намоянда-
лари жамул-жам бўлган. Сурхондарё-
тапи машҳур гиламдўй Назокат Соби-
рова Ўзбекистон Республикаси Прези-
денти сорини учун ўтказиладиган
"Ташаббус" кўрик-танловининг ви-
лоят босқичида бир неча маротаба

"Энг яхши хунарманд" номинация-
си голиби сифатида эътироф этилган.
Фестивал давомида у қатнашчиларга
гиламдўзликнинг воҳага хос анъана-
ларини кенг тарғиб этишини мақсад
қилган. Шу билан биргра иштирокчил-
лар кўз ўнгига нафис гилам тўқиши
маҳоратини намойиш этишини ҳам
режалаштирумокда.

– Биринчи таассуротимизнинг ўзи
хурматланалири, – дейди "Хунарманд"
уюшмаси Сурхондарё вилояти бош-
қармаси бошлиги Муҳаён Жўраева.

– Кўкон шаҳри ақлни шоширадиган
ва завқингизни оширадиган дара-
жада гўзл масканга айланиди. Бир
пайтинг ўзида ҳам шарқона латофат,
ҳам замонавий тараққиёт манзаралари
ҳар қандай инсонга хуш кайфият
баҳши этади. Биз шу бугуннинг ўзида
тайёргарлик ишларига астойдил ки-

ришамиз.

– Бу каби тантаналар халқимизни
янада жипслаштиради, бирдамлигини
тазмилайди, – дейди Кўкон шаҳрида
истиқомат қилувчи Абдуласадм Бол-
табоев. – Болалиқдан Алишер Навоий-
нинг ушбу сатрлари шахримиздаги
асрларга татиғулик бугунги қуонарли
ўзарышларга ҳамоидан:

Бу гулсан иҷраки, ўйқур бақо гули-
га сабот,

Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик би-
ла от.

Адабиёт, санъат ва маданият, мил-
лий қадриятлар ривожига қарати-
лаётган бундай юксак эътибор том
маънода халқимизнинг маънавий
юксалиши учун хизмат қилиши билан
аҳамиятлидир.



Донопар
сўзлариди...

Хунарни асрарон неткумдир охир,
Олиб туфроқчами кеттумдир охир?!
Алишер Навоий

Ўқиб ўрганилган ҳар битта хунар,
Хунармандга бир кун фойда келтиради.

Низомий

Хунарни одам ҳеч қачон оч қолмайди.
Абдулла Қаҳдор

» Очиқ мұлқот

Қорғалпоғистон Республикаси маданият вазири ёшлар билан учраши



» Халқаро ҳамкорлик

Афросиёб мұжизаси

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилігінде "Ўзбекистон Республикаси маданий меросини сақлаш салохияттін мұстаҳкамлаш" лойиҳасы ижросынан барынан учрашув ва давра сұхбатында бүлді. Бир гурух кореялік мутахассислар да Үзбекистоннинг мұтасадиди ташкилтари вакиллары иштирок этгандын ушбу давра сұхбатында маданият вазири үргілсебесі Камола Ақилова олиб борди.

Тақылданышыча, кәріб мінг асрлік тарихи бор халқымыз ўтмишига доир 85 мингта қадимий манзиллар харобалары, 14,5 мингта археологияның қазилма, 2 мингта архитектура әдәрелігі, янын мөддій ва номоддий маданий бойылар мавжуд. Уларни асраб-авайлаш, сақлаш, келажак авлодда етказиш ҳар бири мінзиннің бурчимиз, вазифамыздыр.



Президентимиз шу йил апрайль ойда юртимизге ташриф буюрган Жанубий Корея давлати раҳбары билан имзоланған меморандум айнан маданий меросимизни, хусусан, Самарқанд давлат бирлашынан тарихи-меморий бағдарлама музей-құрықонасі лабораториясынан техник базасын такомиллаштырып, Афросиёб музейдеги деворий расм (фреска)ларни сақлаш салохияттін мұстаҳкамлашта қартилған эди. Кореялік мутахассислар – Жун Хе Ли ва Ю Же Еуннинг айтишича, иккі давлат ўтрасында имзоланған меморандум асосында түзилған лойиҳа бүйіца маълум ишлар бошланған. Жұмладан, Афросиёб музейи деворларидаги ноәб сураттар атрофи маҳсус ойналар билан үралды. Бу уларни сәбәтчиликтарыннан құлғы билан етказылған таъсирлардан химоя килауды.

Аслида Афросиёб суратлары неча-нече асрлар давомында ўз қолатын ішкітмаган қолда сақланғаннаннан ўзи мұжиза. Агар музей ичидеги жақо намалғын яхши сақланса, улар қалияна узоқ ғилилар давомында күренишини ішкітмай, сәйхеларни ўзига жалб этади. Жаһоншумул ахамияттағы зертегінде асақаттаған мұхаффиз, балқи хорижик мутахассислар әзтиборини тортаётганиннаннан сабаби ҳам мана шунда! Албатта, улар ўз қолича сақланышынан учун лойиҳа талаға даражасыда амалға оширилиши керак.

Сұхбат давомында ҳозирча амалға оширилған ишлар билан мәктанишга ҳали әрталығы маълум буды. Кореялік хамкорлар йил охирінде лойиҳасы асосында музей-құрықонасі лабораториясынан техник базасын такомиллаштырып, экспонаттарни реставрация қилиш, улар қақида китоб яратып, күргазма ташкил этишини режалаштырышынан.

С.РИХСИЕВА

» Давоми. Боши 1-сағиғада



10 сентябрь күні Қорғалпоғистон Республикаси маданият вазири К.Турдиев Тошкент давлат миллий мактабында битирған бир гурух ёшлар билан учраши.

Учрашув давомында ёшларни қызықтирган ҳамда ҳал қылышынан лозим бүлгін масалалар буйича очиқ мұлқот ўтказылды. Натижада бир қанча ёшлар-

нинг иш билан таъминланыш масаласыда қылған мурожаатлары ижобий ҳал этилди. Жұмладан, Ҳамидулла Икметтулаев ва Исламбек Сатимов бердәк номидагы Қорғалпоғистон Республикаси маданият вазири К.Турдиев Тошкент давлат миллий мактабында битирған бир гурух ёшлар билан учраши.



Хунармандлар шаҳрига хуш келибсиз!

...Аслида азал-азалдан мәхнатсар вада тағдиркор халқымыз нечада замонлар оша яшаш учун зарур бүлгін ашёларнан ўзи ясашға қараптап қылған, таъбир жоис бүлса, ейишичиши, кийим-кечаганы табиат, она ер бағридан олиб яратышган. Шу аснода новвой, чөвәр, этикдүз, косиб каби сүзлар иштеймөлтә кирип келған. Күлолчылар, дурадгорлық, темирчилик, мисгарлық, тоштарошлық, үймакорлық, күнчилік, зардұзлық, тұқыувчилік, тикувчилік, заргарлық, дегрэзлик, риҳтагарлық каби хунармандылар тұларни шаклана борған. Құқонлардың әза бундай хунарларни чуқур ўзлаштырганы билан акралыб

расида құқонлар дурадгорларыннан ўрни алоқида. Шүнгіндеге, мәхмөннавозлық бобида ҳам шаҳар ахолисини алоқида этироф этиши.

Фестиваль бўлиб ўтадиган кунлари марказий майдон – "Худоёрхон Үрда"си атрофиде маҳаллий ва хорижий хунармандларнинг маҳсулотлари күргазмалари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, қадимий хунармандылар дастгоҳлари ва маҳсулотларини яратиш жараёнлари, хунармандыларнан оид бадийи ва хужжати фильмлар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши бўлиб ўтади. Шүнгіндек, фестиваль доирасида хунарларни чуқур ўзлаштыргани билан акралиб

баев, россиялик дизайнер Сергей Глебушкинлар ҳам ўз ҳалқлари миллий либослари күргазмасини фестиваль меҳмонларига ҳавола этади. Ва, албатта, улар орасида Тошкент шаҳридан Мадина Қосимбоеванинг қашталары, Зуҳра Ҳамроеванинг қоракүл тесисидан тайёрланган либослари, бухоролик хунарманд Дилбар Равсулованинг зардұзлық буюмлари, самарқандлық Лена Ладикнинг тарихий коллекциялари томошабинларда катта таасурот қолдириши шубхасиз.

Ўзбекистон Маданият вазирилари, туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрда қабул қылған Қарорига кўра, халқымизнинг қадимий тарихи ва маданий ҳәётини ҳар томонлама көнг ёритиши, номоддий маданий меросимиз бўлған кўп қорраларни тарғиб этиши, шунингдек, ишбу ғұналишда ўзаро тажриба алмашии орқали турли ҳалқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришилаларини янада мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алоқаларни ҳалқаро миқёсда кучайтириш, авлоддан-авлодда ўтиб келаётган қасби анъ-аналар ва хунармандылар мактабларини сақлаши ва қайта тикала мақсадида, ҳар иккى йилда бир марта Кўқон шаҳрида Ҳалқаро хунармандылар фестивали ўтказилиши белгиланди. Фестиваль доирасида "Хунармандылар ва ҳалқ амалий санъатини ривожлантириши истиқболлари" мавзусида илмий-амалий конференция ҳам ўтказилади.

турган. Тўғри, жаҳонда хунарлар кўп, хунармандлар кўп. Аммо айнан Кўқонни дунё миқёсиде "Хунармандылар шаҳри" дега тан одалинишида ҳам бир ҳикмат бордади! Янни ёғоч үймакорлиги бо-

сайиллари, қўғирчоқбозлик, дорбозлар ва фольклор жамоалари, виляятлар маданият бошқармалари томонидан тайёрланган концепт дастурлари, ош танловлари, миллий либослар күргазмалици қицишлари намойиш этилади. Ўзбекистон ҳалқ устаси, ёғоч үймакори Мұхаммадали Юнусовининг ижодига бағиленған күргазма фестивалга алоқида фрайз бағиленған шубхасиз. Риштон, Гиждувон, Ургут, Тошкент, Каттабог, Мадир, Самарқанд, Фурумсарой, Олтинкўл, Шаҳрисабз күлолчылар мактабларини намояндаларининг ўтказадиган маҳорат дарслари кўпчиликда қизиқиш ўйғотиши ани.

Фестивалга хориждан ҳам заңардас хунармандлар ташриф буюрган. Улар орасида Малайзиядан келган моҳир хунарманд Эдрик Онг ҳам бор. Узбекистонда Ташкент, Каттабог, Мадир, Самарқанд, Фурумсарой, Олтинкўл, Шаҳрисабз күлолчылар мактабларини намояндаларининг ўтказадиган маҳорат дарслари кўпчиликда қизиқиш ўйғотиши ани.

Фестивалга хориждан ҳам заңардас хунармандлар ташриф буюрган. Улар орасида Малайзиядан келган моҳир хунарманд Эдрик Онг ҳам бор. Узбекистонда Ташкент, Каттабог, Мадир, Самарқанд, Фурумсарой, Олтинкўл, Шаҳрисабз күлолчылар мактабларини намояндаларининг ўтказадиган маҳорат дарслари кўпчиликда қизиқиш ўйғотиши ани.

палатаси, "Хунарманд" уюшмаси, Ўзбекистон Бадийи академияси ва Фарғона вилоят ҳоқимлигининг саъи-ҳаракатлари билан юқори савияды ўтказилаёттан фестиваль даусуротлари ҳали узоқ вақт олам кезади, дунё ахлини Ўзбекистонга чорлаб туради.

Шу билан биргаликда, узоқ күтилган ватта тайёрларни фестиваль даирасида қатнашчилари билан ўтказилаёттан фестивальни фаол қатнашчилари ташкилчилардан муносиб рағбатлантирилади. Фестиваль доирасида үтказиладиган кўрик-тандов голиблари диплом, ҳайкалча ва турли номинациялар бўйича пул мукофоти билан тақдирланадилар. Жұмладан: "Энг яхши хунарманд" номинацияси бўйича – 15 000 АҚШ доллари, "Энг ёш хунарманд" га – 10 000, "Энг яхши хунармандчилик мактаби устаси" га – 10 000, "Қадимий сулование" – 5 000, "Қадимий хунармандчилик турини тикилаган хунарманд" га ҳам 5 000 АҚШ доллари берилади.

Сайёра РИХСИЕВА тайёрлади.

» Ташриф

**Очиқ
мулоқот,
дилдан
сұхбат**



Маданият вазири Б.Сайфуллаев Самарқанд шаҳридаги 9 ва 42-умумтаблим мактабларида бўлиб, ўқитувчилар билан очиқ сұхбатлар ўтказди.

Маълумки, 23 август куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида халқ таълими тизимини ривож-

лантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуғузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишинган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтган эди. Маданият вазирини Самарқандга қылган ташрифидан мақсад ҳам давлатимиз раҳбари бер-

ган топшириклар ижроси билан танишишидир.

Учрашув чоғида мактабларнинг ҳолати ўрганилди, мавжуд муаммолари ҳал қилиниши учун мактаб жамоалари билан керакли чоратадбирлар, вазифалар белгилаб олинди.

» Биласизми?

Уюшма аъзолари қандай имтиёзларга эга?



Ўзбекистон Республикаси "Хунарманд" уюмаси аъзоларининг 2018 йил 21 сентябрдаги навбатдан ташқари IV конференцияси қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси "Хунарманд" уюмасига аъзо бўлиши ва ҳунармандчилик фаолияти мезонлари белгилаб қўйилган. Ушбу мезонлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириши ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўйлаб-кувватлаша чора-тадбирлар түғрисида" га Фармони билан тасдиқланган ҳунармандчилик йўналишлари асосида ишлаб чиқилган.

Унга кўра, уюшмага аъзо бўлган ҳунармандлар солик ва суғурта бадаллар бўйича имтиёзларга эга бўлади.

■ Эндиликда ҳунармандчилик фаолияти маҳсулотлари (товар, иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотища қатъий белгиланган соликдан озод этилди;

■ ёшга доир пенсия ва нафса олувишлар Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадали тўловидан озод этилди;

■ қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган ҳунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки 2 йили мобайнида бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадалининг 50 фоизини тўлашади (ставка – ЭКИХ (энг кам иш ҳақи)нинг камидаги 1 баравари миқдорида).

Бундан ташқари, ҳунармандлар касб-ҳунар коллежларининг маҳсус устахоналарида ҳунармандчилик бўйича таълим бериш ҳукукига эга бўлишидди. Улар билан якка тартибдаги тадбиркорлар каби шартнома тузилади ва кўрсатилган хизмат учун солик ундирилмайди.

■ "Уста-шогирд" мактаби ўқувчи сифатидаги иш даври 25 ёнга етгунга қадар ЭКИХнинг камидаги 2,5 баравари миқдорида суғурта бадали тўданган таъидорда меҳнат стажига кўшилади;

- доимий савдо жойларига эга бўлмаган ва вақтингчалик жойларда савдо қуловчи ҳунармандлар касса аппаратлари ва савдо терминалларидан фойдаланади, шунингдек, нақд пул тушумини ихтиёрий тартибида инкассация қиласди.

ИМТИЁЗЛИ ВАЛЮТА РЕЖИМИ

■ Ҳунармандларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасаруф этиши, шу жумладан, банк хисоб ракамларидан чет эл валютасини нақд шаклда ечиб олиши хукуки берилди.

■ Хорижий мамлакатларда ўтказилган кўргазма, танлов, ярмарка давомида сотилган ҳунармандчилик маҳсулотлари экспорт шартномалари тузилмасдан амалга оширилиши мумкин, бунинг натижасида олинган даромад эса экспорт тушуми ҳисобланмайди.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

* "Микрокредитбанк" АТБ, "Халқ банки" АТБ ва "Агробанк" АТБ томонидан ҳунармандларга 6 йил имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 2 йил мuddатга, ЭКИХ (энг кам иш ҳақи)нинг 300 бараваригача миқдорда миллий валютада имтиёзли микрокредитлар берилади.

■ Ҳунармандларга давлат мулки обьектлари учун ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

■ Эътиборли жиҳати шундаки, имтиёзли микрокредитлар пул маблагларини ҳунарманднинг ссуда хисоб рақамидан унинг тўлов топшириқномасига мувофиқ, ушбу Фармонда назарда

тутилган мақсадлар учун тегишили ташкилот ёки жисмоний шахснинг талаби бўйича депозит хисоб рақамига ўтказиш йўли билан кейинчалик ушбу ташкилот ёки жисмоний шахсга хизмат кўрсатувчи банк тариф сиёсатига мувофиқ, нақд пул олиш имконияти билан тақдим этилади.

■ Ҳунарманд хусусийлаштириш дастури доирасида ("ноль" харид қийматида) сотиладиган давлат мулки обьектини олиш хоҳишини билдириган таъидорда, ушбу обьект ҳунармандга баҳоланган қийматида (бошлангич инвестиция мажбуриятлари билан) очиқ савдоларга (танловга) қўйилмасдан тўғридан-тўғри шартнома асосида сотилади (берилади). Бир неча ҳунарманд бир обьектни ("ноль" харид қийматида) олиш истагини билдириган таъидорда, ушбу обьект белгиланган тартибида очиқ савдоларга (танловга) қўйилади ва унда фақат ушбу ҳунармандлар иштирок этади. Бунда ушбу обьектлардан камида 5 йил мобайнида ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариши соҳасида фойдаланилиши лозим.

■ Ҳунармандларга давлат мулки обьектлари учун ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

Бешикчи уста қўшифи

Бешикчида дунё улғаяр,
Илму урфон, зиё улғаяр,
Бор меҳримни бериб ясадим,
Ниятларим териб ясадим.
Маҳоратим шига солгандан
Ранглар билан сирлар чизаман.
Кўрсун деб ширин тушларни
Үйинчоқдан шода тизаман.



» Музейлар ҳафталиги



"Мозийга саёҳат"

5 сентябр куни Сурхондарё вилоят тарихи ва маданият давлат музейи археология бўлими илмий ходимлари томонидан Термиз шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчи ёшлар билан "Мозийга саёҳат" номли давра сұхбати ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июляда "Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига оциқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" га 189-сонли қарорига кўра, 18 ёшга бўлган болаларга ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари, аҳолига эса ҳар йили 2-8 сентябр кунлари ўтказиладиган "Музейлар ҳафталиги" доирасида давлат музейларига белгул кириш тартиби жорий этилган. Ушбу ҳафталик давомидан Сурхондарё вилояти марказидаги таълим мусассасалари ва бошқа ташкилотларда ҳам маданий-маърифий тадбирлар, маҳорат дарслари, викториналар, учрашувлар ҳамда мусикий дастурлар ўтказилди. Юқоридаги давра сұхбати ҳам мана шу ҳафталик доирасидаги тадбирлардан бири бўлиб, ёшларни ҳалқимизнинг бебаҳо маданий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятлар, илм-фан ёдгорликлари, санъат асарлари билан яқиндан таништириш, уларда Ватанга муҳаббат, истиқлол гояларига садоқат туйгусини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил қилинди.

**Б.ТОШКОБИЛОВ,
Н.АЛИҚУЛОВА,**

Сурхондарё вилоят тарихи ва маданият давлат музейи илмий ходимлари



Ҳамкорлик давом этади

7 сентябр куни Андижон вилояти тарихи ва маданият давлат музейи ходимларидан бир гурӯхи Хива шаҳрига ташриф буюрди.

Меҳмонлар даставвал "Ичан қалъя" давлат музей кўриқхонасидаги тарихий ва маданий ёдгорликларни томоша килиб, муқаддас қадамжоларни зиёрат этишди. Музей кўргазмаларида сайёҳларга хизмат кўрсатиш, туризмни ривоҷлантириш борасидаги амалий ишлар, жорий этилаётган замонавий инновацион технологиялар билан яқиндан танишишиди.

Шундан сўнг тарихчи олимлар иштироқида илмий-амалий анжуман ташкил қилинди. Тадбирда "Ичан қалъя" музей-кўриқхонаси директори Шоназар Матяқубов, директор ўринбосари Мақсудбек Абдурасулов, тарих фанлари номзоди Комилжон Худойберганов, бўлум мудири Зайнаб Абдуллаева, катта илмий ходим Отабек Исмоиловлар музей-кўриқхонада амалга оширилган, режалаштирилаётган ишлар ва янги инновацион технологияларни соҳада кўллаш борасидаги тажрибаларини ўртоқлашишиди.

Театрлар фаолиятидан

Янги мавсум бошланди



Тараддуу

“Мен ҳам хунарманд бўламан”



Халқаро хунармандчилик фестивали мунисабати билан юртимизда хунармандчиликнинг барча турларни тарғиб қилиш, ёш авлодни касб-хунарга ўргатиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси ташаббуси билан Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг энг чекка худудларида мактабгача таълим муассасаларида “Мен ҳам хунарманд бўламан” шиори остида тадбирлар ташкил қилинди. Уларда уюшма аъзоси бўлган миллий кўйирчоқ учлари ва кўйирчоқбозлар катнашиб, болаларни касб сирларидан боҳбар қилишиди.

6 август куни Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 26-мактабгача таълим муассасасида “Мен ҳам хунарманд бўламан” шиори остида туркм тадбир ташкил этилди ва болажонларга миллий кўйирчоқлар, рангли қаламлар, пластилин ва бўёқ китоблар таддим этилди.

7 август куни “Хунарманд” уюшмаси ташаббуси билан Қорақалпогистон Республикаси Мўйонк туманидаги 8-мактабгача таълим муассасасида ҳам байрамона тадбир бўлиб ўтди.



Унда Қорақалпогистон Республикаси “Хунарманд” бошқармаси бошлиги Д. Алламбергенова, уюшманинг Кўнғирот туман бўлимни бошлиги А. Байжанова ва усту хунарманд А. Досимбетовлар кичкунтойларга уюшма ҳисобидан миллий кўйирчоқ, рангли қалам, пластилин каби совгаларни таддим этиш билан бирга кўйирчоқлар ва ўйинчоқлар ясашни ҳам ўргатдилар. Болажонлар ўз кўллари билан ясаган кўйирчоқлари, буюм ва нарсаларини меҳмонларга намойиш килдилар.

Худди шундай тадбир Сирдарё туманидаги 19-мактабгача тарбия муассасасида ҳам ташкил этилди ва болажонларга совғалор улашилди.

“Хунарманд” уюшмасининг Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан Термиз шаҳридаги 22-мактабгача тарбия муассасасида ўтказилган тадбирда ҳам болажонларга миллий кўйирчоқлар, рангли қаламлар, пластилин ва бўёқ китоблар таддим этилди.

4 сентябр куни Ўзбек миллий академик драма театрида 105-мавсумнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев сўз олиб, театрда яшади жоҳд қиласан санъат даргаларини ёдга олди. Шунингдек, бугунги кунда фаоли-

ят юритаётган ижодкорларни театрнинг янги 105-мавсуми билан кутлади.

Театр жамоаси томонидан тайёрланган хотира видеоси томошабинлар томонидан илиқ қарши олинди. Маросимдан сўнг Иззат Султон ва Ўйгуннинг “Алишер Навоий” спектакли на мойиш этилди.



Халқаро фестиваль



Сулоланинг еттинчи вакили



Бугун Ўзбекистон Президенти Қарори асосида машайхлар таъбири билан айтганда, “Ҳўқанди латиф” – Кўкон шаҳрида илк бора Халқаро хунармандчилик фестивали ўз ишини бошлади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу фестивални айнан Кўкон шаҳрида ўтказиш ҳақидаги фикри бежиз эмас. Таъбир жоиз бўлса, асл хунармандларга бой Фарғона водийси, хусусан, Кўкон шаҳри уларнинг меҳнати, иштиёки ва лаёқати билан янада ривожланниб, ёътибор қозониб келмоқда.

Фарғонанинг Бувайда туманида туғилиниб юяга етган Мамасодиқ Мамадалиев шундай асл хунармандлар суполаси вакили хисобланади. У шундай нуфузли анжуманинг Кўкон шаҳрида ўтказилаётганидан, қолаверса, фестивалда иштирок этгаётганидан жуда баҳтиёр. Келинг, яхшиси, хунарманднинг дил сўзларига кулоқ тутайлик...

– Мамасодиқ ака, хунармандчилик сизга ота-боболарингиздан мерос касб экан...

– Ҳаётини мусиқа чолгу асбобларини ясашга бағишилган устахунармандларнинг еттинчи авлоди эканлигим билан фарҳанаман. Қолаверса, отам – Ўзбекистон халқ ҳоғизи Расул кори Мамадалиевнинг мусиқага, мусиқа асбобларига бўлган мөннин созгарликка ундан бўлса, ажаб эмас. Тақдир тақозоси билан отам миллий қадриятларимиздан хисобланган мусиқа асбобларини қалб кўзи билан кўйар, уларни ниҳоятда ардоқлар эди...

– Аслида миллий чолгу асбобларимизнинг турлари талайгина. Сиз асосан қандай чолгу асбобларини ясашдан завъ оласиз?

– Болалигимдан “Кўйла, дилкаш, кўйла, дилкаш дуторим” кўшигини тинглаб катта бўлганман. Отам хониш қилганида, бутун оиласиз билан вужудимиз кулоққа айланиши тинглардид. Шунданниси, дуторга меҳрим ўзгача. Шунингдек, гижжак наволари юрагимни аллақандай эзги туйуларга тўлдиради. Дутор, тор, танбур, гижжак, прима дутор (кичкунтойрилган), прима рубобларни ясар эканман, қулогимга ажиси кўйлар эштилтганек булаверади. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Абдулоҳим Исломилов ижорасидан руҳланиб, гижжакнинг янги турини инновация асосида яратганинг устоз санъаткорлар томонидан ёътироф этилганидан бениҳоя хурсанд бўлдим.

– Албатта, ҳар бир ишнинг ўзига яраша машақати ҳам бўлади. Шунга чидаб ишлаган, ўз ҳунарига меҳр кўйган кишига омад кулибкошиштайн. Қолаверса, давлатимиз раҳбари, яқинларимиз кўллаб-куватлаб турган бўлса... Ҳозирча устахонамиз ўз ўйи-

мизда. “Замин асл навоси” оилавий корхонамизни ташкил этганимиз. Биз ясаган мусиқа чолгу асбоблари нафақат ўзимизда, балки хорижда ҳам харидортири.

– Бугунги фестиваль ҳақидаги таассуртларининг...

– Бунинг таърифиға тил ожиз. Юртимизда илк бора ўтказилаётган бундай улкан тадбир тарихимизга ҳам “Хунармандларнинг биринчи халқаро фестивали” дея зархал ҳарфлар билан ёзиб кўйилишига ишонаман. 74 та давлатдан келган хорижлик хунармандларнинг маҳсулотлари, дарҳақиқат, рангбараң, ҳайратомуз. Аммо юртимиз хунармандларининг маҳсулотлари улардан қолишмаслиги, ҳатто алоҳида жиҳатлари билан кўзга ташланётганинг қалбларимизни фахру ифтихорга тўлдиromoқда. Шундай оламшумул ишларнинг бошида турган давлатимиз раҳбари минг раҳмат!

Сайёра РИХСИЕВА
сұхбатлашы.

Созгарлар қўшиғи

Созгарларнинг иши нозик юрагидай, Тол новаси, ёғочдан соз яратади. Мехрин кўшиб ишлов бериб, “кулоги”га, Парда боғлаб, симдан овоз таратади. Қувонамиз – қўлумизда оддий ёғоч Бир айланиш булбулдайин сайдар кетар. Созларимиз күй чалгандা, ёшу қари Бирга ўйнаб, куйлаб танц яйраб кетар.



» Мустақиллигимизнинг
28 йиллигига

**“Жонажон
Ўзбекистоним,
мангу бўл
омон!”**



30 август куни Андижон шаҳридаги А. Навоий номли маданияти ва истироҳат боғида “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шиори остида “Тўрт тарафи гулларга тўлган бўйтоним, меҳнати зафарири Ўзбекистоним!” деб номланган байрам тадбири ўтказилди.

Юртимиз мустақиллигининг

28 йиллигига багишланган ушбу тантанада болалар мусиқа ва санъат мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари, спортчилар, ҳарбийлар, ёш ва танили хонандалар билан бирга эл ардогидаги санъаткорлар — Гулсанам Мамазоитова, Алишер Файз, Улуғбек Раҳматуллаевлар

иширок этдилар. Шунингдек, Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлинмаси хонандаларининг шўх куй-кўшиклиари ҳам барчага кўтарикин кайфият багишилди.

Р.АХМЕДОВ,

Ўзбекистон давлат
филармонияси Андижон
вилоят бўлинмаси директори

» Халқаро ҳунармандчилик фестивали

Риштон кулолчилик мактаби

Риштон — Фарғона водийсининг энг қадими ўзбекистонида бир томондан бўлган. Шу билан бирга бу ер қадим замонлардан Марказий Осиёдаги энг йирик ажойиб сирланган сопол буюмлар маркази ҳисобланади. Шаҳар жойлашган ҳудуд тупроғи қизил гил рангида бўлгани учун унинг номи ҳам қадими сўёдча “Раш” (“Руш”, “Руши”) — “қизил ер” сўзидан пайдо бўлган.

Ўрта асрларда бир томондан Хитой ва Ҳиндистон, бошқа томондан Эрон ва Яқин Шарқ карвон йўллари чорраҳасида жойлашган Риштон тез суръатларда ривожланаб, буюк Ипак йўлдиги асосин тўхтажой ҳамда савдо-сотик марказига айланган. Кейинчалик бу ерда жоме масжиди курилган. Шаҳарда кулолларининг Даҳбед, Чиннигарон, Кўзагарон, Куллон маҳаллалари жойлашган.

XIV асрда кўплаб кулоллар Амир Темур ва авлодларининг буюк қурилишларидан иштирок этиши учун Самарқанд шаҳрига кўчб келишларига тўғри келган. Темурийлар суполосининг таназзули сабабли Риштон ҳам инцирозга учради.

XVIII асрдан бошлаб Риштон (Рушдон, Рошион) шаҳри аста-секин қайта тикланган ва XIX аср ўрталарида худуддаги сирланган идишларни ишлаб чиқариш бўйича йирик марказ номини қайтадан қайтариб олган.

Риштонда ўрта асрларда йўқолиб кетган ганч, чинни ишлаб чиқариш техникасини XVIII асрда қайта тиклаган ака-ука Абду Жалол (“Уста Абдужалол”, “Уста Жалил”) ва Абдужамил (“Уста Абдужамил”, “Уста Кури”) ўз ишларининг моҳир усталиари хисобланган. Кулоллар чинни ишлаб чиқариш усулини Қашғар ва Эрон давлатларидан олиб киргандар. Уларнинг шогирди Калли Абдулло (“Кал Абдулло”) лақабли чинни мутахассиси Абдулла Кулол (1797-1872) оқибатда Риштоннинг барча кулоллари учун уста оқсоқола айланган.

XIX аср бошларида Риштоннинг кулолчилик маҳсулотларига нафқат Фарғона водийисида, балки бутун Марказий Осиёда талаб юкори бўлган. Шаҳар 300 тадан ортиқ

киши ишлайдиган 100 га яқин кулол устахоналарини ўз ичига олган. Ушбу даврда Кўқон хонлиги ва Шарқий Туркiston ҳунармандлари билан узвий алоқалар ўрнатилган.

XIX асрнинг 70-йилларида уста Абдулло Калли бошчилигида Риштон ҳунармандлари Кўконда Сайд Муҳаммад Ҳудоёрхоннинг саройи — Ўрда безаги билан шугулланганлар. Уларнинг санъати Кўқон ҳукмдори томонидан юкори баҳоланганди. Ҳудоёрхон фармиши билан саройнинг жанубий қаноти томонидан “куфи” ёзуви туширилган.

Тахминан худди шу даврнинг ўзида Ҳудоёрхон Рушонда “Боги Ҳон” номи билан машҳур бўлган ўзининг қароргоҳини курган бўлиб, у тез-тез шу ерда тўхтаб, шаҳарнинг барча кулоллари учун базм ўшириб турган.

Риштон буюмлари, миниатюралари жаҳондаги санъат шайдоллари орасиди ҳам катта шуҳрат қозонган. Ҳеч бир худуднинг кулолчилик намуналарига ўхшамайдиган бу санъат асарлари АҚШ, Буюк Британия, Франция, Польша, Швеция, Ирек, Эрон, Миср каби мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда намойиш қилиниши ва жаҳон оммаси этироғига сазовор бўлиши Риштон кулолларининг истеъодидан далолат беради.

Риштонлик кулоллар томонидан тайёрланган маҳсулотлар ўзининг дизайни, табиий ранги ва қалампир нусхалари нақшларга бойлиги билан ажralib туради. Бухоро, Самарқанд, Ҳоразм каби шаҳарлардаги дўйонларда савдоға кўйилган Риштон кулолчилик буюмлари ва миниатюралари чёт эллик сайдёхлар қизиқишини тортаётгани бу санъат намуналарига бўлган




талаб кундан-кун ошиб бораётганидан дарак беради.

Сўнгги йилларда Риштон кулолчилик мактаби янада ривожланди. Уста Иброҳимжон Комилов, Бобоҷон Нишонов, Ҳакимжон Сатторов, Рустамжон Усмонов, Алишер Назиров, Шароғиддин Юсупов, Тоҳиржон Ҳайдаров сингари машҳур кулоллар яратган маҳсулотлар барчани ҳайратга солиб келмоқда.

Риштонлик Рустам Усмонов биринчидан авлод кулолларига мансуб. У риштонлик усталар ичидаги профессионал санъат таълимини олган ягона устадир. Р.Усмонов 1980 йилда Тошкент театр ва рассомчилик институти (саноат графикаси бўлуми)ни тамомлаганди. Кейин Риштонга қайтиб, кулолчилик билан астойдил шугулланана бошлаганди, Риштоннинг энг яхши усталари — Ҳакимжон Сатторов ва Иброҳим Комиловдан хунар сирларини ўрганган.

Уста нақош Рустам Усмонов нақош чизиш санъатини маҳорат билан эгаллаганди, у сир беришнинг турли технологияларини жуда яхши билади. Қадимги усталар меросини, археологик экспедициялар материалларини тадқиқ этиб, йўқолиб кетган нақшларни қайта тиклаш билан шугулланади. Унинг ижодида ҳалқ анъаналари ва юкори дараждадаги профессионализм уйғунашиб кетган. Уста нозик дид эгаси — у ясаган буюмлар нағислиги ва мумтоз шаклдаги тугалланган композицияси билан ажralib туради. Рустам Усмонов буюмлари дунёнинг кўплаб мамлакатларида намойиш



этилган ва кўплаб музейларда сақланади.

Алишер Назиров ҳам машҳур кулоллардан бири. 12 ёшидан ушбу сермашақкат ҳунарни ўрганиши бошланган, барча босқицларни босиб ўтган. Кўплаб яхши бошланмалар унинг номи билан боғлик. Риштон кулолчилари заводида бош рассом бўлиб ишлаганди. Японияда малака ошириб, хорижий кўргазмаларда иштирок этган, “Ташаббус” танловида ҳунармандчилари йўналишида илк голиблардан бўлган.

Уста яратган лаган, шоқоса, кўзача, хум, мевадон, кандон каби сопол буюмлар

даги услугуб ранглар жозибасини кўриб, унинг ўз касбингизни мөхир устаси эканлигига амин бўласиз. А.Назиров 1998 йил Риштонда ёш кулол-усталар таёлаш мактабини очди ва ҳозирги кунгача ушбу ҳунар давомчиликни тайёрлашда ўз хиссасини кўшиб келмоқда.

У янги технологияларни ўрганишдан тўхтамаган ҳолда ҳар доим иш устиди. Устанинг асарлари Ўзбекистон, Россия, Япония, Франция, Буюк Британия, Германия ва кўплаб Европа, Осиё ва Америка музей колекцияларини безаб турибди.

ЎЗА

Кулол қўшиғи

Тупроқдан лой қориб, пишишиб
Сўнг шакл бераман кафтим-ла.

Чойнакми, косами, пиёла

Яралар меҳриминг тафтидан.

Она ердан сўраб тупроқ оладирман,

Оби ҳаёт билан у хўп қоришади.

Нақшин гулуп ранглар билан безак берсам,

Меҳнатимдан ўз кўнглим ҳам ёришади.



» Мустақилликнинг
28 ийллигига

Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

30 август куни Хива туман кўзи ожизлар кутубхонасида юртими мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан "Жонажон Ўзбекистоним, мангу, бўл омон!" шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Хоразм вилоят башкваруви раиси Б.Тулеменов,



жамиятнинг Хива туман бўлими раиси Ф.Курбонов, фахрий ўқитувчи М.Абдуллаев, кекса китобхон Н.Авезовлар сўзга чиқиб, ийгилгандарни байрам билан табриклиши.

Шундан сўнг кутубхонанинг жажжи китобхонлари Ватан, юрт озодли-

ги ҳақида шеърлар ўқишиди, қўшиқлар кийлашди. Уларга Хива шаҳар ҳокимлигининг байрам совғалари берилди. Кеча бадиий ҳаваскорларнинг куйкўшиклари биан давом этди.

Г.ЭГАМБЕРДИЕВА,

Хива туман кўзи ожизлар кутубхонаси мудираси

» Музей хафталиги



Мозий тилсими

4-6 сентябрь кунлари Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида адабиёт, санъат, тарих, маънавият бўлимлари хамда Наманган шаҳар халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда "Музей – мозий тилсими" шиори остида маданий-маърифий ва кўргазмали тадбирлар ташкил этилди.

Ўтказилган ҳафталик доирасида музейга мактаб, академик лицей ва олий ўқув юрти талабалари ташриф буоришиди. 6 сентябрь куни эса бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Карий юз йиллик музей" мавзусида давра сухбати ташкил этилди. Тадбирда музей илмий ишлар бўйича директор ўринbosari A.Азизов, мустақиллик бўлими илмий ходими Э.Қорабоев, Наманган шаҳар халқ таълими бўлими ходимлари, тарих бўлими мудири И.Каримов, маънавият бўлими мудири Ф.Рўзибоевларнинг мързулари тингланди.

Таъкидланишича, Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи дастлаб Наманган шаҳрининг марказидаги саводагар Ҳамдам Қаландаров дўкони биносида 1920 йилда фолиятини бошлаган. Аслида бу маскан шаҳардаги 1-мактабнинг физика ўқитувчиси Владимир Ивановнинг ташабуси билан ташкил этилган эди. И.Иванов 1919 йили халқ таълими нозирлигига ёзган хатида ўкувчиларга пухта билим бериш мақсадидаги шаҳар мактабларидаги барча физика ўкув асбобларини бир жойга жамлаш ва ягона физика лабораторияхонасини ташкил этишини таклиф қилганди. Бутаклиф халқ таълими нозирлигига томонидан маъқулланган на Наманган шаҳар халқ таълими бўлими тасаруфида физика музей-кабинети ишга тушган.

1920 йилда халқ таълими бўлими янги музейнинг моддий техник базасини мустаҳкамлашга ётиборни кучайтириб, экспонатлар сотиб олиш учун маълаб ажратди. Республикадаги энг кекса маънавий-маърифий муассасаларидан бирни бўлган музей мазкур бинода 1988 йилга қадар фаoliyati юритди. 1988 йилдан эса Нодим Намангоний кўчасида махсус лойиҳа асосида қурилган янги бинога кўчди...

Давра сухбати давомида шу каби қизиқарли маълумотларга эга бўлган ўкувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам жавоб олдилар. 7-умумтаълим мактабининг 7-синф ўкувчилари хамда "Баркамол авлод" спорт мактаби тарбияланувчиларининг чиқишилари иштирокчиларга кўтаринки кайфият багишлади.

Тадбирдан сўнг музей кўргазма заллари бўйлаб саёҳат ташкил қилинди.

И.КАРИМОВ, Ҳ.УСМОНОВА,
Наманган вилоят тарихи ва
маданияти давлат музейи илмий
ходимлари

» Халқаро фестиваль

Таассуротлар бир олам...

Маълумки, бугун Кўқон шаҳрида Халқаро ҳунармандчилик фестивали бошланди. Фестивал иштирокчиларидан бирни, Ўзбекистон Республикаси "Хунарманд" уюшмаси аъзоси, "Кўқон fashion" мода ҳафталигининг асосий ташкилотчиси Камола ГУЛОМОВА ўз таассуротларини биз билан ўткошлиши.

— Камола опа, фестивалинг ҳалқаро аҳамияти ҳақида нималар дея оласиз?

— Ўзбекистоннинг айнан Кўқон шаҳрида жаҳон ҳунармандларининг жамланиши ва шундай нуфузли фестиваль ташкил этилиши улкан ютуқларимиздан биридир. Фестивалда Германия, Грузия, Россия, Австралия, Ҳиндистон, Ҳитой, Голландия, Италия, Мексика, Марокко, Қирғизистон, Тоҷикистон ҳунармандлари ўз ишлари билан қатнашмоқдалар. Бу эса дунёнинг турилди бурчакларидан келган кўл меҳнати усталарига ўзаро танишиш, тажриба алмашиш имконини беради, албатта. Шунингдек, биз ҳам миллий либосларимизни намойиш киляпмиз.

— Бизнинг бой маданий меросимиз азалдан бошқа ҳалқларни қизиқтириб келган. Ўзбекистон ва бошқа давлатлардан келган ҳунармандларнинг маҳсулотлари намойишларида фарқли ҳижратларни кўра олдингизми?

— Албатта, ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг фарқли ва ўзига тортадиган ҳижратлари кўп. Хорижликлар айниқса, матоларимизнинг табиийлиги, рангларнинг бир-бiringa ийғуллиги, ранг-баранглигини жуда кўп таъкидларидан. Эътиборлиси, ба матолар айнан Ўзбекистонда, табиий корм ашеслар — соғ ишлак, пахта толасидан ишлаб чиқарилган.

“Ҳалқаро фестивалда ўзим яратсан либослар колекцияси билан қатнашпаман, — дейди яна бир сукбатдошимиз — дизайнэр, Ўзбекистон ҳунарманд уюшмаси аъзоси Муниса Азизова. — Мен либосларни яратишда бу ўзил миллий чолгу асбобларимизнинг тасвиридан фойдаландом. Аппликация усулида материала гостириладиган карталарни танлаб, уни адрасга туширдик. Унинг устига безак берганимиз. Бундан мақсад, миллий чолгу асбобларимизни либослар ёрдамида яна бир бор ёшларимизга тарғиб этишибиди.

Дилноза МУРОДОВА ёзиб олди.



» Халқаро фестиваль

Кўқонда улкан кўза ва пиёла сурати чизилди

Андижонлик рассом Мурод Умар ўзининг 3D йўналишидаги расмлари билан кўпчиликка маданиятини юксалтириш мавзусида семинар бўлиб ўтди.

— Анжуманга ҳиссамизни қўшиш, миллий қадрияларимизни акс эттириш мақсадида шогирдим Ҳусниндин Байджуманов билан узоқ изландик, — дейди рассом. — Таклиф этилган кўплаб намуналар ичидан Кўқонга хос бўлган кўза ва пиёланни танладик ва унинг эскизини яратдик.

Фестивалдаги бетон йўлакка туширилган тасвирининг узунлиги 50 метр бўлиб, маълум масофа ва баландликдан суратга олинганида улкан кўза ва пиёланнинг тик турган шакли пайдо бўлади. Ўзига хос санъат асари байрамона тарзда бошланган фестивал иштирокчиларига завқ-шавқ багишлади.

» Семинар

Китобхонликка бағишиланди

10 сентябрь куни Хоразм вилоятида "Кўзи ожизлар кутубхоналарида китоб мутолаасини янада ривожлантириш ва китобхонлик маданиятини юксалтириш" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Вилоятдаги кўзи ожизлар кутубхоналарининг мутахassis ва ходимлари қатнашган ушбу тадбирни кутубхона директори З.Собиров очиб берди. Шундан сўнг директор ўринbosari Р.Тожиева Наманган вилоят кўзи ожизлар махсус кутубхонасида "Фойдаланувчилик" хизмат кўрсатиш бўлими абонементи ҳужжатларининг тўғри юритилиши" мавзусидаги семинар тафсилотларини, методика-билиография бўлими мудираси Ў.Юсупова эса кутубхоналар олдида турган энг долзарб муммалордан бири — ёшларни китобга ўргатиш, бунинг учун янги иш услубларини тажрибада кўллаш методлари бўйича фикрларини билдириди. Шунингдек, кутубхона-чи Х.Искандаровнинг китобхонларга хизмат кўрсатиш жараёни ҳақидаги маъруzasи тингланди.

Семинар якунида кутубхона кундалигини тўйдириш бўйича маҳорат дарси ўтказилди.

Ф.САЙДНАЗАРОВА, Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси методисти

» Вилоят театрларида

“Ошиқ Ғарип ва Шоҳнасам”

Хоразм вилояти мусиқалий драма театрида 97-мавсумнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни вилоят маданияти бошқармаси бошлиги Ш.Яхшибоеv очиб, жамоани театр байрами тадбирни табриклиди. Драматург К.Матризев, театр директори Д.Ибрагимовлар ҳам томошабинларни янги мавсум билан самимий кутлаб, жамоа иотуқларини фахр билан санаб ўтишиди.

Вилоят мусиқалий драма театри ўз фолиятини 1922 йилда Ҳивада бошлаган. 1933 йилда вилоят маркази Ургач шаҳрига кўчгани сабабли жамоа ҳам фолиятини Ургачда давом эттиради. Театр "Хоразм округи давлат мусиқалий драма театри" номини олади. 1959 йилда Мухаммад Ризо Отахий тавалудининг 150 йиллиги муносабати билан театрга "Отахий номидаги Хоразм давлат мусиқалий драма комедия театри" номи берилди. Сал кам бир асрлик тарз сиспиласида бу отaxon театр жамоаси янада такомиллашди, ўси, ривожланди. Унда ўз касбини севган қанчадан-канча фидойи санъаткорлар бор маҳоратини ишга солиб, элга танилиб ҳалқимизга сиддиклардан хизмат қилди.

Янги мавсум Юнус Юсуповнинг "Ошиқ Ғарип ва Шоҳнасам" мусиқалий драмаси билан очилиди. Тадбирга таклиф қилинган меҳмонлар, ўқитувчи-мураббийлар, талабалар спектаклдан сўнг театр тарихига оид фотоловҳалар ва саҳна декорациялари кўргазмасини ҳам зўр қизиқиши билан томоша қилдилар.

Гулнора КУРБОНОВА, театрнинг адабий-бадиий бўлими мудири



» Мустақиллигимизнинг
28 йиллигига

Қурувчилар учун концерт



1 сентябрь куни Жиззах вилояти Фориш туманида курилаётган "Караман" сув омбори ишчи-хизматчилари учун Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма сақкиз йиллиги муносабати билан тадбири ташкил этилди.

Үнда туман маданият бўлими вакиллари шўх куй-қўшиқлардан изборат концерт дастурини намо-

ниш этишиди.

"Караман" сув омбори курилиши туман худудидаги 20 минг гектар ер майдонини сув билан таъминлаш, боф-роғлар, экизорларга айлантириш мақсадида барпо этилоқда. Мазкур вазифа "Tupalang HPD Weter Konstruktion" DUK ишчи-ходимлари томонидан олиб борилмоқда.

Тадбир давомида корхона раҳбари Карим Рӯзиев, автобаза директори Мамарасул Раҳимовлар йигилганларни байрам билан табриклиди. Шунингдек, фаол ишчилар куттулган сана муносабати билан мукофотландиilar.

Ш.ДАРХОНОВ,
марказ мутахассиси

» Ҳунармандчилик

Гиламдўзлик – қадимий санъат



Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси экспозиция залларида қадимий гиламдўзлик мактабларига оид маълумотлар ва гиламлар намуналари намойиш этилмоқда.

XX аср бошларида Самарқанд вилояти худудида түёкли, минг, найман, кутғи, бахрин, хитой, кипчок, митан, турк каби 50 дан зиёд ўзбек ургулари яшар эди. Маълумотларга кўра, асосий машгулоти чорвачилик бўлгани сабабли улар гиламдўзлик билан шугулланишган. Бу қавмлар орасида энг қадимийлари – турк ва түёкли вакиллари ўрга Осиёга узок ўлкалардан кўчib келишган. Манбаларда митан уруги – Европанинг жануби-шарқий чўлларидан, бахрин – Фарғона водийсирининг шаркий районларидан, қутчи уруги Қашғар ўлкасидан кўчib келгани айтилади. Бу элатлар гиламчилик билан қадимдан шугулланиб келишган.

Кўчманичиликдан ўтрок ҳаётга ўтиш (ерларни сугоришига ўрганиш) ушбу уруғларнинг кундалик турмуш тарзига ҳам тъясир қилди. Гиламчиликда ҳам шу ҳаёт тарзига мос элементлар пайдо бўла бошлади. Бунга яна уруғларнинг бир-бира билан кудандачилиги тъасири ҳам бор, яъни келин сени орасидаги гилам, алача ва бошқа ўй-рўзгор жиҳозларида ўз уруғи элементлари тасвирланган буюмлар ҳам бўлган, бу рамзлар кейинчалик бошқа бир қавм белгиларига аралашбет кетган. Бироқ вақт ўтиши билан кўчманичи халқларнинг ўтрок ҳаётта ўтиши гиламчиликнинг ривожланишига салбий тъасир ўтказди. Ол-

дин ўтовларда яшаган одамлар лойдан қилинган имоматларда яшай бошлади. Ва бўутовнинг ички жиҳозлари ўз-ўзидан йўқолиб кетишига сабаб бўлди.

XX аср бошларига келиб, одамлар оддий "қоқма" гиламни тўқиши билан чегараланиб қолди. Каријаларнинг гапига қарагандо, гиламлар ҳеч қаочан сотиши учун тўқиши маган. Уни одамлар фақат ўзлари, фарзандлари учун ният қилиб тўкишган. Бундан хуоса қилиш мумкини, демак, қадимда ҳар бир оила гилам тўқишини билган.

Айрим уруғлар – Зоминдаги Работ, Кўрпосай, Қайли, Яйилма каби худудларда яшовчи гиламдўзлар гиламни сотиши учун ҳам тўкишган. Патли гиламларни Жиззах, Фаллаорол, ва Зарабфон дарёсининг атровфида яшовчи туёкли, митан, коракалпок уруғлари турмушни айтади. Гиламнинг яна бир тур – "қизилам"га оила тури –

мур томонидан Ўрта Осиёга олиб келинган (олимларнинг тахминича, улар Балхдан келган бўлишлар ҳам мумкин). Мушкоки, хўжаки ва жайнови деб номланган на кавмларда гилам тўқиши билан асосан аёллар шугулланишган. Қамаши ва жайновида эрраклар ҳам гилам тўқигани айтилади. Бундай гиламлар бозорларда "араби" деган ном билан сотилган.

Катта хажмдаги гиламлар "сарой гиламлари" деб номланниб уни йигирмадан ортиқ гиламдўз аёллар тўкишган. Уларда қўчкоршоҳ, киркшоҳ, йўлбарстовон, тумаййин, иттовон, чаён, балдоқ ва бошқа кўплаб нақшлар иштасилган. Манбаларда жулхирс ("айиқ жуни") гиламлари асосан эчки жунидан Жом қишлоғининг ўзбек уруғлари томонидан тўқилгани айтилади. Гиламнинг яна бир тур – "қизилам"га оила тури –

мори, баҳти деб қараглан ва уни сотишни уят деб билишган. Бирор сабаб билан сотиша тўғри келса ҳам, гиламни узок бозорларда учингчи киши орқали со-

тишган.

Қадимда Фарғона водий-сида жойлашган Хидирша қишлоғи гиламлари ҳам жуда машхур бўлган. Бу ерлик ҳунармандлар гилам тўқиши учун иккى ўрқачалик тұянинг жунидан фойдаланишган. XIX асрда келиб туйяларнинг кескин камайиб кетиши Хидирша гиламчилигига салбий таъсир қилди.

Ўзбек гиламчилик мактабларини ўрганишида этнограф олима Валентина Мошкованинг хизматлари жуда катта. У Ўрта Осиёга халклари гиламчилар мактаблари бўйича ташкил этилган олтига экспедицияда қатнашган, тўрттасида бевосита раҳбарлик қилган. Олима ўз фаолияти давомида 900 дан зиёд гиламларни ўрганиб, ҳунармандчиликнинг бутури ҳақида батафсил маълумотлар йўқкан.

Б.ЎЛДОШЕВ,
Самарқанд давлат
музей-қўриқхонаси
санъат бўлими катта
иммий ходими

» Маданият бошқармалари фаолиятидан



Билимли ёш мутахассислар – фаҳримиз

Сурхондарё вилояти Узун туман маданият бўлими мудири-маданият маркази директори Сирохиддин Исматов меҳнатсевар ва иктидори ёш мутахассисларимиздан. У ўз фаолиятини 2013 йилда туман марказий маданият уйи бадиий раҳбарлигидан бошлаган. 2014-2017 йillardа туман маданият ва спорт ишлари бўлими маданият бўлими мудири вазифасида ишлаб кельмоқда.

С.Исматов изланувчанлиги, ташаббускорлиги, талабчанлиги, ишбилирномлиги билан кўпчиликнинг эътиборига тушган. У туман, вилоят ва республикада ўтказилган кўриктанловлар, оммавий тадбирларда туман жамоаларининг иштирокини яхши таъминлаб, аҳолига маданий хизмат кўрсатишга катта хисса кўшиб кельмоқда. Сирохиддин Исматов бошчилигида ўтказилган тадбирларда юртимизда амалга ошириладиган улкан ижтимоий-иқтисодий, мазнавий ўзғаришларнинг моҳияти, ҳалқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик руҳи ўз аксияни топган. У тумандаги маданият марказлари, болалар мусиқа ва санъат мактаби иш фаолиятини ҳам бугунги кун талаблари даражасида ташкил этган таъсимида сабабли ушбу муассасаларнинг иктидорли ўқувчилари туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказиладиган кўриктанловларда фаол қатнашиб, юқори кўрсаткичларга эришиб кельмоқда.

Бугунги кунда туман аҳолисининг тобора ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларини қондириш қолаверса, маданий-маърифий ва кўнгилочар тадбирларга аҳолини кенг қатламини, айниқса, ўшларни тўғри йўналтириш, уларнинг дунёкариши ва ижод салоҳиятини юксалтириш, бўш вақтини мазмунли ташкил мақсадида турли тўғараклар фаолиятини йўлга кўйишида С.Исматовнинг ҳам хиссаси катта. Ёш раҳбар бўлишига қарамай, тумандаги барча жамоатчилар ишларидаги фаоллиги, ўзига юқлатилган вазифаларни сидқидилдан бажаргани учун Сирохиддин "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони билан тақдирланган.

Биз билимли, ўз ишига масъулият билан ёндашадиган Сирохиддин каби ёшларимиз билан фаҳрланамиз ва уларга келгуси фаолиятларида муввафқаиятлар тилаймиз!

Ж.НАБИЕВ,

Узун тумани маданият бўлими
Ахборот хизмати раҳбари

Зардўзлар қўшиғи

Момолардан етиб келган кўхна ҳунар бу, Нақшларга айланади инаклар заррин. Кўз нуримиз, қалб қўримиз берган либослар Кувнатади кўзингизни ҳар кўрган сайин. Зардўзини қиз-аёлнинг зари тикади, Гаму андух, аламлардан нари тикади. Бухорага куши келибсиз, меҳмони аиз, Бизду буни чеварларнинг бари тикади. Газетанинг ушбу сонидаги ҳунармандлар қўшиқлари муаллифи – Нуриддин АМИНЖНОНОВ

